



TARAKKIYET TADQIQOTLARI | ИССЛЕДОВАНИЯ РАЗВИТИЯ DEVELOPMENT STUDIES

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНЛАР | НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ КОНФЕРЕНЦИИ
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCES

Volume II, Issue-13, (January) 2024

Journal homepage: <https://inashr.uz/index.php/rid>

ИБРАГИМОВ Баходир Юсупалиевич

Фаргона вилоят агрохизматлар маркази

СОЛИХЎЖАЕВ Алломбой Содикжон ўғли

Фаргона вилоят агрохизматлар маркази

МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТЛАРНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада маҳаллий яъни бошқача таъбир билан айтганда органик ўғитларни тупроқ унумдорлигига ва ўсимликлар ҳосилдорлигига таъсири қисқача баён этилган. Тупроқ таркибига доимий гўнг ёки органик ўғитларни киритиб борилиши аввало тупроқ структурасини яхшилайдди, қолаверса тупроқ шўрланишини олдини олади. Бундан ташқари тупроқ агрофизикавий ва агрохимёвий хусусиятларини яхшилашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар. Макро ва микро элементлар, минерал ўғитлар, органик ўғитлар, гўнг, маҳаллий ўғит, азот, фосфор, калий, ғалла, микробиологик, агрохимёвий, агрофизикавий, шарбат.

АННОТАЦИЯ

В данной статье кратко описано влияние местных, или другими словами, органических удобрений на плодородие почвы и продуктивность растений. Внесение в почву постоянного навоза или органических удобрений, во-первых, улучшает структуру почвы, а также предотвращает засоление почвы. Кроме того, важно улучшить агрофизические и агрохимические характеристики почвы.

Ключевые слова. Макро и микроэлементы, минеральные удобрения, органические удобрения, навоз, местные удобрения, азот, фосфор, калий, зерновые, микробиологические, агрохимические, агрофизические, соки.

ANNOTATION

This article briefly describes the effect of local, or in other words, organic fertilizers on soil fertility and plant productivity. Adding permanent manure or organic fertilizers to the soil firstly improves the soil structure and also prevents soil salinization. In addition, it is important to improve the agrophysical and agrochemical characteristics of the soil.

Keywords. Macro and micro elements, mineral fertilizers, organic fertilizers, manure, local fertilizer, nitrogen, phosphorus, potassium, grain, microbiological, agrochemical, agrophysical, juice.

Маълумки, ўсимликлар ер устки қисми билан даладан 16 хил макро ва микроэлементларни олиб чиқиб кетади. Бугунги кун дехқончилик амалиётида минерал ўғитлар билан экинларга, жумладан ғаллага фақат азот ва фосфор макроэлементлари солинмоқда. Бундай вазиятда қолган макро ва микроэлементлар йиллар давомида тупроқнинг табиий унумдорлиги ҳисобига сарфланмоқда. Юзага келган салбий ҳолатни яхшилашнинг йўлларида бири, тупроққа сифатли гўнг солишни ташкил қилишдир. Мисол учун гектарига 10 тонна қора мол гўнги солинганда у билан тупроққа 40 кг азот, 25 кг фосфор ва 50 кг калий, 35 кг кальций, 15 кг магний, 200 кг органик моддалар тушади.

Илмий муассасаларнинг кўп йиллик тадқиқотларида органик ўғитлардан, хусусан гўнгдан фойдаланишнинг турли усуллари ўрганилиб, аниқ хулосалар олинган. Жумладан, гўнгни шудгор олдида солиш; вегетация пайтида курук, эланган гўнгни солиш ва чириган гўнгни сув билан шарбат усулида оқизиш ўрганилганда энг юқори самарадорликка гўнг шудгор остига солинганда эришилганлиги қайд этилган. Шунингдек, эланган гўнгни солишда гўнгни дала бўйлаб бир хил меъёрда тақсимлаш имкони бўлганлиги сабабли яхши самара берган. Гўнгни шарбат усулида оқизиш агар сувда оқизилаётган гўнг бутун дала бўйлаб бир хил тақсимлашга эришилган тақдирдагина самарали бўлади. Акс холда, қисқа ўқ ариқлар олинмаслиги оқибатида гўнг дала бўйлаб бир текис тақсимланмайди. Далада турли хил тупроқ унумдорлиги ҳосил бўлиб, экинларнинг нотекис ўсиши, ривожланиши, турли муддатларда пишиб етилиши оқибатида салбий ҳолатларни юзага келтиради. Шунинг учун гўнг қисқа ўқариқлар орқали, 50-60 метр масофадаги эгатларга оқизилган тақдирдагина кўзланган самарани беради.

Шарбат учун тайёрланадиган гўнг албатта чиритилган бўлиши шарт. Чиритилмаган гўнгнинг оқизилиши далага турли ҳил бегона ўтлар ва айрим касалликларга олиб келувчи замбуруғ спораларининг тарқалишига сабаб бўлади.

Ғалла майдонларининг ҳар 5 гектарига биттадан 5x3x1,5 метр ҳажмдаги махсус хандақлар қавлаиб, гўнг бу хандақларда ёки уюм ҳолатида устки қисми тупроқ билан кўмилган ҳолда 4-5 ой давомида чиритилиши керак. Чириган гўнг сув билан яхши аралаштирилиб турилган ҳолда, ўқариқ ва шохариқлар орқали, узунлиги 50-60 метр бўлган эгатларга тараб оқизилади.

Органик ўғитларни қўллаш тупроқнинг микробиологик, агрохимёвий, агрофизикавий хусусиятларини яхшилайдди, тупроқнинг табиий унумдорлигини сақлаб қолишга хизмат қилади. Далага оқиб кираётган сувнинг самарасини оширади. Тупроқнинг нам сақлаш хусусиятини яхшилайдди. Минерал ўғитлар самарадорлигини оширади. Дон, сомон, пахта хом-ашёси, ғўзапоя билан даладан чиқиб кетаётган озик моддаларнинг ўрнини қисман бўлсада қоплайди [1].

Далага гўнг киритилиши тупроқ микроорганизмлари фаоллигини ортиради. Натижада тупроқ таркибидаги моддалар ўсимлик томонидан осон ўзлаштириладиган шаклларга ўтади, ўсимликларнинг озика режими яхшиланади. Шунингдек гўнг тушган тупроқнинг ҳаво ва иссиқлик сиғими ортади. Яъни тупроқнинг иссиқлик қабул қилиш ва сақлаш хусусияти яхшиланади.

Гўнг энг муҳим органик ўғит. Таркибида ўсимликлар учун зарур барча озик моддалар мавжуд бўлганлиги сабабли, рус агрохимёгар олими, академик Д.Н Прянишников "... минерал ўғит канча кўп ишлаб чиқарилмасин, гўнг ўз аҳамиятини йўқотмайди, қишлоқ хўжалигидаги асосий ўғитлардан бири бўлиб қолаверади", деб ёзган эди.

Чорва молларини боқиш усули ва хўжаликларнинг имкониятларига боғлиқ равишда тўшамали ёки тўшамасиз гўнг олинади.

Жадвал

Чорва молларининг гўнги таркибидаги курук модда, азот ва қул элементлар таркиби, %

Чорва тури	Курук модда	N	P ₂ O ₅	K ₂ O	CaO	MgO	CO ₄
Қаттиқ ажратмаларда							
Йирик шохли қорамоллар	16	0,29	0,17	0,10	0,35	0,13	0,04
Отлар	24	0,44	0,35	0,35	0,15	0,12	0,06
Қўйлар	35	0,55	0,31	0,15	0,46	0,15	0,14

Чўчқалар	18	0,60	0,41	0,26	0,09	0,10	0,04
Суюқ ажратмаларда							
Йирик шохли қорамоллар	6	0,58	0,01	0,49	0,01	0,04	0,13
Отлар	10	1,55	0,01	1,50	0,45	0,24	0,06
Қўйлар	13	1,95	0,01	2,26	0,16	0,34	0,30
Чўчқалар	3	0,43	0,07	0,83	0,01	0,08	0,08

1 т гўнг таркибида ўртача 5 кг азот, 2,5 кг фосфор ва 6 кг калий мавжуд. Бир гектарга 30 г гўнг солинса, тупрокка 150 кг азот, 75 кг фосфор на 180 кг калий келиб тушади. Биринчи йилги экин тахминан 30-40 кг азот, 22,5 кг фосфор ва 100 кг калийни ўзлаштирилади [3].

Гўнг тушган майдонларида ғалла жадал ривожланади, сарғайган далаларда ғалла яшил тусга киради.

Шўрланган майдонлардаги ғаллани суғоришдан олдин гўнг сепилса ёки шарбат усулида суғорилса, тупроқнинг шўрланиш даражаси пасаяди, ғалла майсалари шўр таъсирида сийраклашиб кетмайди.

Гўнг таъсирида тупроқ юмшайди, ғўза қатор орасига бериладиган ишлов сифатли бўлади, кузда эса ер сифатли шудгор қилинади ҳамда тупроқ шўри сифатли ювилади.

Далага чиқарилган гўнгни ишлатишгача бўлган муддатда усти очиқ ҳолатда қолдириб бўлмайди. Чунки, усти очиқ гўнг таркибидаги азот элементининг 60-65 фоизи газ ҳолатида атмосфера ҳавосига учиб кетиши аниқланган.

Шунинг учун далага чиқарилган гўнг ғўзанинг вегетация даврида солиш учун сақланадиган бўлса, гўнг усти 15 см қалинликдаги тупроқ билан кўмиб қўйилиши керак.

Яқин кунларда ғалла майдонларини баҳорги биринчи озиклантиришга киришилади. Азотли ўғит самарадорлигини ошириш, уни сув билан ювилиб кетиши ёки атмосфера ҳавосига учиб кетишини камайтириш мақсадида шу кунларда ҳар гектар ғалла майдонига энг камида 1 гектардан чириган гўнг сепилиши тавсия қилинади.

Гўнг сепилган ёки сув билан оқизилган ғалла майдонларида намликнинг узоқ муддат сақланиши ва тупроқнинг юмшоқ ҳолатга келиши сабабли тупроқнинг юзида ёриқлар ҳосил бўлмайди, ғалланинг попуқ илдизлари узилмайди, ғалла бир маъромда ривожланади [2].

Сув танқислиги кутилаётган йилда гўнгдан фойдаланишнинг аҳамияти янада ортади. Жумладан, ғалла майдонларига чириган гўнг киритиш азотли ўғитлар самарадорлигини ошириш, уни самарасиз йўқотилишини олдини олиш билан биргаликда ўғитлашдан кейинги суғоришда даланинг бир текис намланишини ва суғоришдан кейин тупроқда гўнг сепилмаган майдонларга нисбатан намликни давомий сақланишига хизмат қилади.

Ғалла ва пахта майдонларида гўнгдан фойдаланиш сувдан ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланишни таъминловчи омил бўлиши билан биргаликда ғалла ва ғўзанинг касаллик ва зараркунанда ҳашаротларга нисбатан иммунитет ҳосил қилишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек гўнг ўсимликлар ҳаётида муҳим жараён ҳисобланган чангланишга ижобий таъсир кўрсатади ҳамда ҳосил элементларининг тўкилиши олдини олади.

Гўнг солинган майдонларида экинлар ёзининг иссиқ кунларида гармселдан камроқ талофат кўради.

Бугунги кунда ғалла ва ғўза парваришида етишмаётган калийли ўғитлар ўрнини қоплашда ҳам маҳаллий ўғитларнинг аҳамияти каттадир.

Жумладан, 10 тонна қуруқ парранда гўнги билан 80 кг, шундай миқдордаги қўй гўнги билан далага 140 кг калий моддасини киритиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. О.Салайдинов. Европа ТЕМПУС дастури бўйича “UnIvEnt” лойиҳаси доирасида тайёрланган “Қишлоқ хўжалиги экинлари агротехникаси ва ўсимликларни ҳимоя қилиш” номли курс қўлланмаси. Фарғона-2011 й.
2. Б.Ниязалиев, Б.Тиллабеков. “Маҳаллий ғўит мўл ҳосил гарови” “Агро олам” 2018 йил 16-июн.
3. Кодирова Д.А. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўғитлардан тўғри фойдаланиш салоҳиятини ошириш. Қўлланма 169 та саҳифадан иборат. Тошкент, 2023.